

Мустақиллик байрами муборак бўлсин!



05:40 / 01.09.2023 1250

Бугун юртимиз яна байрам оғушида. Мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг ўттиз икки йиллигини нишонламоқдамиз. Бу тарихий санани ота-боболаримиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган.

Ватанимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берган мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллиги сиз азизларга муборак бўлсин.

Аллоҳ таолодан истиқлолимизнинг бардавом бўлишини сўраш баробарида мана шундай айём кунларида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва икки дунё саодатини тилаймиз.